Куч — адолатда

2013 йил
22 февраль,
жума
№ 8 (417)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ:
ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизда ҳар бир йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш эзгу анъанага айланган. Долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, йил давомида амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнга инвестициялар ажратишда нафақат давлат, балки нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муайян даврда бажарилиши белгиланган вазифаларни юксак самаралар билан амалга ошириш имконини беради. Айни пайтда истиқболдаги бир неча йил учун замин яратиб, ривожланиш йўналишларини белгилаб олишга кўмаклашади. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг янада равнақ топишига хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни Обод турмуш йили, деб эълон қилди.

Ушбу эзгу мақсадлар "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир ойлада ва умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Дастурда режалаштирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатнашишини тақозо этади. Уларни бажарадиган муайян ижрочилар — тегишли вазирлик ва идоралар, амалга ошириладиган тадбирларнинг ижро муддатлари, молиялаш манбалари, мониторинг тизими, қонуний-ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий механизмлари белгиланган.

Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараённи таъминлаш мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини жадал суръатлар билан тараққий эттириш мамлакатимизда амалга оширилаётган илоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур соҳада самарали ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва такомиллаштирилиши комплекс равишда, изчиллик билан, илмий асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Бунда Ўзбекистонда амал қилувчи қонун ҳужжатлари, хориж тажрибаси, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиб, ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ўтган давр мобайнида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 11 та қонун, Президентимизнинг 3 та Фармони, давлатимиз раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари ва 300 дан ортиқ идоравий қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тамойиллари чуқурлашгани сари жисмоний ва юридик шахслар ўртасида шартномавий муносабатлар ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномалар барча мулк шаклидаги корхоналар, тадбиркорларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатга айланди.

Huquqiy ma`rifat

Шартнома мажбурияти

тарафлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди

Айтиш жоизки, шартномавий мажбуриятларни холис ва виждонан бажариш мулкий муносабатларнинг асосий талабидир. Қонунчиликдаги бу талаб аслида халқимиз томонидан ардоқлаб келинган лафзи ҳалоллик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик каби қадриятларимизга ҳамоҳанг.

Маълумки, мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқи кафолатлари яратилгани мулкдорлар синфи вужудга келишига замин яратди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Моддий ва маънавий зарар

уларни суд тартибида ундириш асослари



Аввало шуни қайд этиш жоизки, зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари амалдаги Фуқаролик кодексида белгиланган бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Ушбу кодекснинг 985-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ қопланиши лозим.

Айтиш керакки, зарарнинг тўлиқ қопланишида аниқ етказилган зарардан ташқари бой берилган фойда, бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ харажатлар ҳам назарда тутилади.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида етказилган маънавий зарарни ундириш асослари баён этилган. Маънавий зарар фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қимматини камситадиган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатиш, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституцияда белгиланган бошқа ҳуқуқларини бузиш орқали етказилиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Аввало шуни айтиш керакки, Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5-6 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўнинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг маъқулланиши мамлакатимизда такси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим ўрин тутади.

Yangi qonun mohiyati

Такси хизмати кўрсатиш

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун билан амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи янги 176[4]-модда билан тўлдирилди. Ушбу модда икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида ягона таниш белгилари билан жиҳозламаслик ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқарганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бунда ушбу ҳаракатларни содир этганлик учун транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилди. Мазкур модданинг иккинчи қисмида эса, белгиланган тартибда ягона таниш белгилари билан тўлиқ жиҳозланган таксиларнинг ҳайдовчилари томонидан мазкур белгилардан қасддан фойдаланмаслик ёки улар шикастланганлигига қарамай йўловчиларга хизмат кўрсатилгани учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, қайд этилган ҳаракатларни содир этган фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташласак, иқтисодиёти юқори ва туризмга ихтисослашган мамлакатларда такси хизматларини амалга ошириш учун давлат томонидан қатъий талаблар белгиланган.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси

аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиради

Истиқлол йилларида аҳолини иш билан таъминлаш, ҳар бир фуқаронинг адолатли меҳнат шаоитларида ишлашини ташкил этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Пировардида халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиб, ҳар бир соҳада меҳнат унумдорлиги ва иш сифати сезиларли даражада ортди.

Жорий йилда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги энг муҳим устувор вазифалар белгилаб олинди ва унинг ижросини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Бу борада мавжуд имкониятлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, ушбу соҳаларда 500 мингга яқин иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Эътиборлиси шундаки, иш ўринларини ташкил этишда ишлаб чиқариш корхоналарини технологик янгилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада кенг йўлга қўйиш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари янада кучайтирилади ва шу йўл билан 250 минг кишини иш билан таъминлаш имкони туғилади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг халқаро ҳуқуқий нормаларга мувофиқлаштирилган ҳолда амалга жорий этилгани нафақат иш берувчилар, айни чоғда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ:
ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг шаклланган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш энг муҳим вазифалардандир. Давлат дастурида тўртта қонун — Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, ёшларни ишга жойлаштириш шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари "Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари муттасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишларидандир. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади.

Дастурда янги ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини қуриш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. 2013 йилда, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда касаначиликни барқарор ривожлантириш ҳисобидан 970 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ тижорат банклари томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандчиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш режалаштирилган. Жорий йилда бундай кредитларнинг умумий ҳажми 269,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Дастурда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, ҳудудий корхоналарни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб этиш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш, узумчилик, чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Қайта ишлаш ҳажмлари, жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги учун замонавий мини-технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўпайтирилади.

"Электрон ҳукумат" тизимини жадал шакллантириш ҳам муҳим ва долзарб вазифадир. Интернет тармоғида "бир дарча" режимида фаолият юритадиган интерфаол давлат хизматлари ягона порталини яратиш мўлжалланган бўлиб, бу иқтисодий фаолият субъектлари ва бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини сезиларли даражада соддалаштириш имконини беради.

2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, хасталикларнинг олдини олишни кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор технология ва услубларини жорий этиш, пировард натижада фуқаролар, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Чекка жойлардаги аҳоли пунктларида 32 қишлоқ врачлик пунктини барпо этиш, 54 тиббиёт бирлашмасини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, 11 вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси, шунингдек, 13 вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади.

Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш — изчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир. Шу мақсадда жорий йил Давлат дастурида жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш, таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 умумтаълим мактабини, 159 академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини капитал таъмирлаш, 55 мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 116 болалар спорти объектини, олий таълим муассасалари тизимидаги 45 иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланади. Шу билан бирга, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ушбу жараённинг маънавий-ахлоқий жиҳатига эътибор қаратиш, уларда миллий ғурур, ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишлар доирасида 2013 йилда ёшларнинг касбий қўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари фаолият кўрсатади, болалар ҳамда ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш янада юқори даражага кўтарилади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 2013 йилда 553 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилади, мамлакатимиз аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сув, газ ва канализация хизматлари, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади, минглаб километр янги юқори вольтли электр узатиш линиялари, сув чиқариш ҳамда газ тақсимлаш тармоқлари объектлари барпо этилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.

Дастурда замонавий йўллар, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш, шунингдек, қишлоқ жойларда узунлиги 239,1 километр бўлган янги, туташган автомобиль йўлларини барпо этиш, шаҳарларда янги кўчалар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Маҳалла халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан 2013 йилги Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ва турар жой массивларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган.

Маҳаллаларнинг қиёфасини янада яхшилаш, уйларнинг олд қисми ва томларини, кўчалар ва йўлакларни таъмирлаш, болалар спорт майдончаларини қуриш, энергия тежовчи технологияларни қўллаш орқали ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш, санитария шароитларини яхшилаш ҳам дастурда белгиланган вазифалар сирасига киради. Маҳаллалар ҳудудларида 15 миллион туп манзарали ва 29,5 миллион туп мевали дарахт ниҳоллари, шунингдек, 10 миллион туп гул ҳамда буталар экиш кўзда тутилган. 2013 йилда маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқда экологик турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш орқали қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича "Обод уйим" лойиҳаси амалга оширилади.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни аниқ манзилли асосда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар истиқболда ҳам изчиллик билан амалга оширилади.

Маҳаллаларда йил давомида халқимизга хос тинчлик-осойишталиккa интилиш, меҳр-мурувват, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш каби қадриятларни тарғиб этадиган маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилади.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар бандлигини таъминлаш ва фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ҳамда уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича бажарилаётган ишлар янада ривожлантирилади.

Хусусан, Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида "Ёш оилалар учун турар жой" дастурини имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда "Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳаси рўёбга чиқарилади.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтларининг маблағлари ва грантлар жалб этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳарларда "Обод турмуш йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилади. Уларнинг вазифалари Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, тегишли худудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бажаришдан иборатдир.

Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси зиммасига давлат ва хўжалик бошқарувининг республика органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг унда белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажаришига доир ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Мухтасар айтганда, "Обод турмуш йили" Давлат дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муҳим йўналишларини қамраб олган. Унинг самарали амалга оширилиши эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириши, мамлакатимиз равнақини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

ЎзА

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни васият қилувчининг ўрнига қандай шахслар имзолашга ҳақли эмас?

З.БОЛТАЕВ,
Навбаҳор тумани

Адлия вазирлигининг 2011 йил 25 майдаги буйруғига илова қилинган **"Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисида"**ги Йўриқноманинг 9-банди иккинчи қисмига мувофиқ, қуйидаги шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

мансабдор шахс;

васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс. Унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, набиралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

саводсиз бўлган шахслар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Мансабдор шахс ишонч билдирувчининг ўрнига ишончномани имзолаши ман этилади.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Амалдаги қонунчилигимизда, жумладан, Меҳнат кодекси, **"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"**ги қонун, шунингдек, меҳнат шартномаси ва бошқа локал ҳужжатларда меҳнат муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Бироқ айрим ҳолларда мажбуриятларни бажармаслик оқибатида иш берувчи ва ходим ўртасида турли низолар келиб чиқиши мумкин. Меҳнат соҳасидаги бундай низолар икки тоифага, яъни якка меҳнат низолари ва жамоаларга доир меҳнат низоларига ажратилади. Амалдаги Меҳнат кодексининг 260-моддаси иккинчи қисмида белгиланганидек, ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун, ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Айтиш жоизки, Меҳнат кодексининг 269-моддасида судларда кўриладиган меҳнат низолари аниқ кўрсатилган бўлиб, судлар амалиётида ишга тиклаш, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишлар нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, даъвогар Чоршанби Валиев фуқаролик ишлари бўйича судга жавобгар компаниялардан бирига нисбатан ишга тиклаш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат этган.

Аниқланишича, Ч.Валиев 1992 йилдан буён компанияда турли лавозимларда ишлаб келган. Мазкур компания раҳбарининг 2010 йил 21 январдаги буйруғига асосан даъвогар компаниянинг Сурхондарё вилоятидаги бўлимига раҳбар этиб тайинланган. Ч.Валиев бу лавозимда фаолият кўрсатаётган вақтда, аниқроғи, 2011 йил 30 майда компания раҳбарининг буйруғига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Таассуфки, мазкур буйруқда даъвогарни ишдан бўшатиш асоси ва Меҳнат кодексининг тегишли моддаси кўрсатилмаган.

Суд мажлисида иш берувчининг вакили даъвогар Ч.Валиев ўз вазифаларини бажара олмагани, малакаси етарли эмаслиги, ўз ишига совуққонлик билан қараб келгани боис Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-бандига асосан ишдан бўшатилганлигини баён қилган бўлсада, судда ушбу важлар ўз тасдиғини топмади. Гарчанд вакил даъвогар билан меҳнат шартномаси тузилмаганлигини, шу боис уни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ҳам ноқонуний эканини кўрсатиб ўтса-да, бу важ Меҳнат кодексининг 82-моддаси 6-қисмига хилоф саналади. Унда белгиланганидек, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига ҳамда Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"**ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига асосланган ҳолда Ч.Валиевнинг даъво аризасини қаноатлантириш ва ишга тиклашни лозим топди.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, судлар томонидан меҳнатга оид низоларни кўришда ходимга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласини қонуний ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида белгиланганидек, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Суд амалиётидаги мисоллар фикримизни аниқ баён этишга имкон беради.

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъвогарлар Азиза Мирзаева ва Роза Маҳкамова даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар унитар корхонасининг Тугатиш комиссиясидан иш ҳақи ва маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Yangi qonun mohiyati

Такси хизмати кўрсатиш

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугунги кунга келиб, такси хизматлари кўрсатиш деярли барча иқтисодиёти ва туризм соҳаси ривожланган давлатларда амалга оширилиши лицензия талаб этиладиган фаолият турига айланди. Хусусан, такси фаолиятини амалга ошириш учун АҚШ, Германия, Россия, Франция, Сингапур ва бошқа давлатлар қонунчилигига мувофиқ махсус лицензияга эга бўлиш талаб этилади.

Шунингдек, хорижий давлатларда такси хизматларини кўрсатувчи автотранспорт воситаларига нисбатан ягона қатъий талаблар белгиланган. Масалан, АҚШ, Сингапур каби давлатларда такси хизматларини кўрсатувчи автомобилларнинг сариқ рангга бўялган бўлиши талаб этилса, Франция ва Германияда эса, оқ рангга бўялган бўлиши лозим. Бундан ташқари такси хизматларини кўрсатиш қонун билан тартибга солинган ривожланган давлатларда барча такси хизматларини кўрсатувчи автотранспорт воситаларида махсус "TAXI" деган ёзув ва қанча масофа йўл босганлигини кўрсатувчи махсус таксометр ҳамда бошқа жиҳозлар билан жиҳозланган бўлиши билан боғлиқ талаблар ҳам мавжуд.

Хорижий давлатларда такси хизматлари кўрсатишни давлат томонидан тартибга солишнинг яна бир умумий ўзига хос хусусияти шундаки, такси хизматини кўрсатувчи автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан ҳам бир қатор умумий ва махсус талаблар белгиланган. Чунончи, такси хизматларини кўрсатувчи автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан белгиланган умумий талабларга ҳайдовчилик гувоҳномаси ва махсус рухсатномага эга бўлиш кирса, махсус талаблар эса, турли давлатларда турлича эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, Исроилда такси хизматини кўрсатувчи ҳайдовчилар инглиз тилидан махсус имтиҳон топшириши ва сертификатга эга бўлиши лозим. Хитойда эса, такси ҳайдовчилари шахсий гигиенага қатъий риоя этиши зарур. Германияда такси ҳайдовчиларининг машина салонида мижоз бор-йўқлигидан қатъи назар, шунингдек, махсус такси автомобиллари тўхтаб туриши учун мўлжалланган жойларда чекиши тақиқланади. Бундан ташқари Германияда мижознинг такси ҳайдовчисига ёқмаганлиги сабабли унга хизмат кўрсатишдан бош тортиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талаб ҳам амалда жорий этилган. Фақат такси ҳайдовчисининг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилиш эҳтимоли мавжудлиги, мижознинг тўловга қобилиятсизлиги очиқ кўриниб турган ёхуд мижоз жуда кўп миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолатлар бундан мустасно.

Мамлакатимизда 2011 йил 18 майда Вазирлар Маҳкамасининг **"Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорининг қабул қилиниши, энг аввало, юртимизда йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш доирасида, йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, улар томонидан йўловчи ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва хавфсизлигини оширишга қаратилди. Ушбу қарор билан **"Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида"**ги Низом тасдиқланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг ташқи кўринишига ва ички маълумотлар билан жиҳозланишига, шунингдек, йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчиларига нисбатан ягона талаблар белгиланди. Ушбу Низомга мувофиқ йўналишсиз таксиларнинг ягона таниш белгилари икки гуруҳга: ташқи ва ички маълумотлар билан жиҳозлаш белгиларига ажратилиб, унда қуйидагилар ташқи белгилар сифатида эътироф этилган:

а) автотранспорт воситасининг тепасига ўрнатилган тўқ сариқ рангли фонарга "TAXI" таниш белгисининг ўрнатилганлиги;

шахмат тартибида жойлаштирилган қора квадратлардан иборат бўлган композиция ва автотранспорт воситасининг олдинги эшикларидаги "Т" ҳарфларининг мавжудлиги;

автотранспорт воситасининг олдинги эшикларидаги юридик шахс — ташувчининг номи бўлиши;

б) йўналишсиз таксилар учун мўлжалланган махсус сериядаги автотранспорт воситасида давлат рақами белгисининг қайд этилганлиги;

в) йўналишсиз таксилар сифатида ишлашга сариқ рангли, Тошкент шаҳри учун — "фил суяги" рангида бўялган бўлиши.

Ягона таниш белгиларининг ички белгилари сифатида эса, қуйидагилар эътироф этилган:

а) олд ойнанинг юқоридаги ўнг бурчагига жойлаштирилган яшил рангли ёритиш чироғининг мавжудлиги;

б) автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси, ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва фотосурати, иш вақтининг бошланиши ва тугаши, йўлкира қиймати (сўмларда), ташувчининг манзили ва телефон рақами, лицензия карточкасининг рақами ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, мажбурий суғурта қилинганлик ҳақидаги маълумот кўрсатилган маълумотлар рўйхатининг ўрнатилган бўлиши;

в) ҳисоблагич (таксометр)нинг мавжудлиги;

г) белгиланган тартибда сотиб олинадиган ва фойдаланиладиган радиоалоқа воситасининг ўрнатилган бўлиши.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, йўналишсиз таксилар фаолиятини қатъий тартибга солишга қаратилган ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи хусусий таксилар фаолиятини тартибга солиш, бу борада аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишнинг таъминланишига хизмат қилади.

Улуғбек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Qonun ko`magi

Моддий ва маънавий зарар

уларни суд тартибида ундириш асослари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда Олий суд Пленумининг **"Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги қарори муҳим аҳамият касб этади. Маънавий зарар уни етказишда айбдор бўлган жавобгарлар томонидан қопланади ҳамда уни қоплаш номоддий бойликларни ва номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бирданбир манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Айтиш керакки, ҳар бир манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фуқаролик процессуал қонунчилиги талабига кўра, аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки машғул бўлган жойдаги судга берилади. Шу билан бирга қонунда зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича судга мурожаат қилишнинг алоҳида турлари ҳам белгилаб қўйилган. Чунончи, Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддаси талабларига мувофиқ, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги ёхуд боқувчининг ўлими оқибатида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар даъвогар яшаб турган жойдаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Шунингдек, етказилган зарарлар тўғрисидаги фуқаролик ишининг судловга тааллуқлилиги қоидасига кўра, жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўрилаётганида арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилигига доир умумий қоидаларга биноан тақдим этилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасига биноан, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилганда ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни келтириши унинг мажбурияти ҳисобланади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, даъвогар О. Мўминов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар А.Абдумаликовдан 4,5 миллион сўм моддий ва 10 миллион сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Иш ҳолатларига кўра, жавобгар А.Абдумаликов фукаро У.Қодировга тегишли бўлган "Нексия" русумли автомашинани Балиқчи тумани Балиқчи қишлоғи ҳудудида бошқариб кетаётганда йўлни кесиб ўтаётган пиёда Ф.Мўминовни уриб юборган. Суд тиббий экспертизаси хулосасига кўра, жавобгар А.Абдумаликов Ф.Мўминовнинг ўлимига сабабчи бўлган оғир тан жароҳати етказгани аниқланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро суди даъвогар О.Мўминов ва О.Мўминованинг жавобгар А.Абдумаликовга нисбатан моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги фуқаролик ишини атрофлича ўрганиб, жами 2,5 миллион сўм моддий ва маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига кўра, маънавий зарар пул билан қопланиши, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий зарарларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланиши, зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолат талаблари эътиборга олиниши лозим.

Муяссар СУЛТОНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

Huquqiy ma`rifat

Шартнома мажбурияти

тарафлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Соҳа вакилларининг манфаатлари асосан тузилаётган шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар орқали ҳимоя қилинмоқда. Шу боис кейинги йилларда шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Фуқаролик кодексида шартнома интизомини тартибга солувчи барча қоидалар ўзининг аниқ ифодасини топган. **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши эса, Фуқаролик кодекси қоидаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда қўллаш учун шароит яратди. Мазкур қонунда хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнларида

юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган. Хўжалик шартномаси тушунчаси, шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари, хўжалик шартномаси субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уни бузганлик учун жавобгарлик, талабнома ва даъво аризаларини тақдим этиш тартиби ва муддатлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки ишга жалб этилган адвокатларнинг шартномани тузиш ва бажаришдаги вазифалари аниқ белгилаб берилган. Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда давлат бошқарув органлари, прокуратура ва адлия идораларининг шартномавий муносабатларга оид ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатлари алоҳида моддаларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нархи, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқа ҳолатлар назарда тутилади. Ривожланган давлатлар қонунчилигида бўлгани каби мамлакатимиз қонунчилигида ҳам икки ёки бир неча (жисмоний ёки юридик) шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома, деб аталади. Барча фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар ҳамда қонун талабига биноан шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди.

Қисқаси, шартнома, биринчидан, тарафлар ўртасида мажбуриятлар келиб чиқишининг асоси ҳисобланади. Иккинчидан, корхона, ташкилот, муассаса каби барча хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини режалаштиришга асос бўлади. Учинчидан, тарафлар ўртасидаги мулкий муносабатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини муҳофазалашда хўжалик шартномалари муҳим ўрин тутади. Фақат унда белгиланган мажбуриятларга масъулият билан муносабатда бўлиш, шартнома шартларини вақтида адо этиш фақат икки томоннинг фойдасига эмас, балки мамлакатимиз ривожи, иқтисодиёт равнақига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Жиззах вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

ҳимояси

аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиради

Иш ҳужжатларидан кўринишича, А. Мирзаева ва Р.Маҳкамова 2007 йилдан буён унитар корхонада турли лавозимларда фаолият юритиб келган. 2010 йилнинг октябрь ойидан буён ҳар икки даъвогарга иш ҳақи тўланмаган. Бу Меҳнат кодексининг 161-моддаси талабларига зид бўлиб, унда белгиланганидек, меҳнатга ҳақ тўлаш муддати ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаслиги лозим.

Суд мажлисида жавобгар вакиллари даъвони тан олди. Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, даъвогарларга иш ҳақи тўланмагани ва улар судга мурожаат этишга мажбур бўлгани боис маънавий зарар етказилган, деган тўхтамга келди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан жавобгар — унитар корхонанинг Тугатиш комиссиясидан ҳар икки даъвогар фойдасига тўланмаган иш ҳақи ва маънавий зарар ундирилди.

Шуни унутмаслик лозимки, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Яна мисолларга мурожаат этайлик. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъвогар Е.Ражабова даъво аризаси билан мурожаат этган ва "Униполис" МЧЖга нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундириш ва иш берувчига бошқа ишга жойлаштириш мажбуриятини юклашни сўраган. Суд томонидан аниқланишича, даъвогар Е.Ражабова 2010 йил октябрь ойида МЧЖга менежер ассистенти лавозимига ишга қабул қилинган. Орадан бир йил ўтгач, у корхона раҳбарига ҳомиладорлиги тўғрисидаги маълумотномани илова қилган ҳолда 2010 — 2012 йиллар учун меҳнат таътили бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган ва унинг бу талаби қаноатлантирилган.

2012 йилнинг январь ойида жавобгар "Униполис" МЧЖ раҳбарининг буйруғига кўра, жамиятнинг Қўқон шохобчаси тугатилиши муносабати билан даъвогар Е.Ражабова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 237-моддасида "Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта, ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади", деб белгилаб қўйилган.

Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, Меҳнат кодексининг 111-моддаси ва Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"**ги қарорининг 51-бандидаги раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим топди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, "Униполис" МЧЖ зиммасига даъвогар Е.Ражабовани аввалги вазифасига муқобил иш билан таъминлаш вазифаси юклатилди ҳамда унинг фойдасига мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари қонунчиликда мустаҳкамланибгина қолмай, амалда таъминланаётир. Бундай муҳофаза тизими аҳоли моддий фаровонлигининг муҳим омили бўлиши билан бирга, меҳнат унумдорлиги, тараққиётнинг ҳам муҳим мезонларидан биридир.

Маҳмуда АБДУВАҲОБОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси
Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Куч — адолатда" мухбири

Saboq

Божхона назоратини четлаб ўтиш

жавобгарликка сабаб бўлади

Мамлакатимизда халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган Божхона кодексининг қабул қилиниши божхона муносабатларига оид ягона қонунчилик базасини яратиш имконини берди. Ушбу кодекс мамлакатимиз иқтисодиётининг халқаро иқтисодиёт билан самарали интеграциялашуви учун шарт-шароит яратиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, мазкур кодексга асосан божхона қонунчилигига оид жавобгарлик қоидалари умумлаштирилди.

Қонунчиликка кўра, божхона қоидаларини бузган шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Агар товарлар ёки бошқа моддий бойликларнинг ноқонуний тарзда олиб ўтиш ҳоллари мансабдор шахслар томонидан хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, бу қоидабузарликнинг ижтимоий хавфи янада ортади. Бундай ҳолларда Жиноят кодексининг 182-моддасида белгиланганидек, божхона назоратини амалга оширувчи шахс жавобгарликка тортилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Islohot va samara

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мустақиллик йилларида яратилган бундай кенг ҳуқуқий майдон мамлакатимизнинг сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланишини таъминлади.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо, электрон тижорат, электрон тўловлар каби яна бир қатор янги хизмат турларининг шаклланишига, жумладан, тадбиркорларга масофадан туриб дунёнинг хоҳлаган мамлакатидан ўзига ҳамкор топиш ва тижорат ишларини юритишига кенг йўл очди.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида янги йўналиш ҳисобланган мазкур тизимларнинг жадал тараққий этишининг яна бир омили бу ахборот-коммуникация технологияларини рақамлаштириш даражасининг ортиши, хусусан, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги ўтган йилга нисбатан 61 фоизга ошиб, бугунги кунда 7780 Мбит/сни ташкил этаётгани ва улардан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигидадир. Шунингдек, жорий йил бошида маълумотлар узатиш, жумладан, Интернет тармоғига уланиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг сони 930 тага етган бўлса, жамоавий фойдаланиш пунктлари 1063 тани ташкил этди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан маълумки, электрон тижоратнинг шиддат билан ривожланишига Интернетдан фойдаланувчилар сони аҳолининг 20-25 фоизини ташкил этгандагина эришиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда Интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион нафардан ортгани электрон тижоратнинг келгусидаги ёрқин истиқболидан дарак бериб турибди.





Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш таклиф этилди. Бу қонуннинг ҳаётга жорий этилиши юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва роли ҳам алоҳида белгилаб қўйилмоқда. Зеро, бугунги тезкор ва шиддаткор замонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг чексиз имкониятларидан самарали фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур соҳада мамлакатимизда бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни вақтда Интернет глобал тармоғида 98 фоиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз веб-сайтлари яратилган. Базавий интерактив давлат хизматларининг умумий сони эса, 197тага етказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири мазкур соҳадаги мавжуд қонунлар ижроси устидан мунтазам равишда назорат-таҳлил ишларини олиб боришдир. Қўмитамиз томонидан олиб борилаётган ана шундай назорат-таҳлил жараёнлари жойларда соҳага оид қонунларнинг ижросини таъминлашда айрим ташкилий ва норматив камчиликлар ҳам борлигини кўрсатмоқда. Ҳозиргача ўтказилган назорат-таҳлил якунларига кўра, ахборот-коммуникация технологияларига оид барча қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, эришилган натижалар бўйича қўмита томонидан мазкур соҳанинг янада ривожланишини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш ишлари дастури ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 20 га яқин телекоммуникация операторлари мавжуд бўлиб, улар телекоммуникация тизимида 28 та йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналлар орқали ўз хизматларини кўрсатишмоқда.

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида қайд этилди. **"Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади"**, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Албатта, яқин истиқболдаги ушбу мақсад-муддаоларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, самарали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ҳамда жойларда соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаолият олиб бориш устувор вазифамиздир. Пировардида, бу саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси ўлароқ, истеъмолчиларнинг барча қатламлари ҳамда жадаллик билан ривожланиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари талабларига мос тушадиган, тубдан янгиланган ахборот-коммуникация тармоқлари вужудга келишига замин яратилиб, мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнлари янада жадаллашади ҳамда Ўзбекистон жаҳон ахборот маконида ўзига хос ва муносиб ўринга эга бўлади.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Sirli olam

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, отлар ибтидоий тузум давридаёқ одамзотнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилувчи энг яхши улов, энг ақлли жонзот саналган. Милоддан аввалги 3-минг йилликда Марказий Осиё ва Европанинг жануби-ғарбий қисмида бу жонзотлар асосий транспорт вазифасини ўтаган. Шу боисдан ҳам, ҳали зоология фан сифатида шаклланмаган даврлардаёқ отларнинг феъл-атворини астойдил ўрганувчилар кўпчиликни ташкил этган.

Биз билган ва билмаган дунё

Табиатнинг ноёб арғумоқлари

Ишқибозларнинг таъкидлашича, кимки отга астойдил меҳр қўйса, бу жонзот ҳам унга шу даражада садоқат кўрсатаркан. Аслида ҳақиқий чавандозлар учун от нафақат доимий ҳамроҳ, балки кўпкари -ю улоқлар, от спорти -ю пойгаларда обрў-эътибор келтирувчи жонзотдир, десак, янглишмаймиз.

Аслида бундай тоифага мансуб кўплаб тулпорлар номи тарихга муҳрланган. Мисол учун 1900 йилнинг кузида немис тадқиқотчиси Вильгельм фон Остен қора тусли зотдор отни сотиб олади ва уни ардоқлаб "Ганс" деб атайди. Собиқ математика ўқитувчиси бўлган Остен отга бор меҳрини бағишлаб, уни тарбиялашга киришади. У отнинг нафақат ақллилиги, ҳатто фикрлай оладиган жонзотлигини кўпчиликка намойиш этмоқчи бўлади. Бироқ нечоғлик уринмасин, "Ганс" Остен кутган натижани кўрсатолмайди. Аммо у мақсадидан воз кечмайди ва бошқа турдош от сотиб олади-да, тажрибасини яна давом эттиради. Буни қарангки, навбатдаги "Ганс-2" деган лақаб олган от дасталабки машғулотларданоқ ғаройиб қобилиятини намоён қила бошлайди. Остен от учун махсус ўқув дастурини ишлаб чиқади. Не ажабки, от зарур машқларни кутилганидан ҳам яхшироқ бажара бошлайди. Табийки, Остеннинг ғаройиб оти ҳақидаги "шов-шув"лар бутун шаҳарга ёйилади. Одамлар бу ноёб қобилиятли отни кўришга ошиқадилар. Остеннинг оти туёғи билан тепсиниб, 1 дан 30 гача санашни ва арифметик амалларни бажаришни қойиллатарди. Айниқса, унинг алифбо ҳарфларини фарқлаши, махсус жадвалга қараб, ҳарф рақамини оёғи билан тўқиллатиб "айтиши" ва шу асосда сўз тузиб, берилган саволга жавоб қайтариши ҳаммани ҳайратга солади.

Айтиш керакки, Остеннинг қобилиятли оти ҳақида ўз даврида илмий тадқиқотлар олиб борилган ва туркум китоблар ёзилган.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, отлар узоқ масофадан ҳам одамнинг ўзига нисбатан қандай муносабатда эканини бехато сезади. Шу боис ҳам отлар, одатда, кўнглида ёмон нияти бор одамни ўзига яқинлаштирмасликка уринади. «Иппология» деган фан отларнинг табиати тўғрисидаги маълумотларни милоддан олдинги бир неча юз йил олдин Юнонистонда тўплай бошлагани тарихдан маълум эди.

Мавжуд маҳаллий от зотларини такомиллаштириш ва давр талабига мос янги от зотларини яратиш 18-19-асрларда жадал суръатлар билан амалга оширилган. Натижада ҳозирги даврга келиб дунё мамлакатларида 250 дан ортиқ хилма-хил от зотлари кўпайтирилмоқда. Жумладан, булар орасида туғилгандаги вазни 5-6 кило ва бўйи 30 см келадиган митти фалабелла (Австралия) пони отларидан тортиб одимлаб юрувчи, вазни 800-900 кило тош босадиган йирик, 16 тоннагача оғир юк тортувчи от зотлари бор.

Интернет материаллари асосида Сафар АЛЛАЁРОВ тайёрлади

Saboq

Божхона назоратини четлаб ўтиш

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шунингдек, божхона қоидаларини бузган шахсга нисбатан товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш билан боғлиқ жазо чоралари ҳам қўлланилади.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар ёрдамида давом эттирсак, О. Тўраев Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида сотиб олинган "Нексия" русумли автомашинани божхона чегараси орқали олиб киришда божхона расмийлаштируви, импорт божи, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи учун бож тўловлари тўлаши лозимлигини яхши биларди. Шунингдек, у автомашинани белгиланган муддатда республика ҳудудидан олиб кетмаган тақдирда божхона ходимлари томонидан олиб қўйилиши ва жавобгарликка тортилишидан ҳам хабардор эди.

Аммо у қонун талабларини четлаб ўтишга уринди. Яъни божхона тўловларини тўламаслик мақсадида қўшни республикада рўйхатда турган "Нексия" русумли автомашинани айланма йўллар орқали Ўзбекистон ҳудудига олиб киради ва автомашинанинг кузов, двигатель рақамларини ноқонуний равишда қўлбола усулда ўзгартириб, ундан ўз эҳтиёжи йўлида фойдалана бошлайди. Бироқ О.Тўраевнинг автоуловга нисбатан эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш тўғрисидаги ғараз ниятти саробга айланди. Қилмиши фош этилган О.Тўраев қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ишни амалга оширишда қонун-қоидага риоя этиш мақсадга мувофиқ. Зеро, қонунчиликда белгилаб қўйилганидек, фуқаролар қонунларга риоя этишга мажбурдирлар. Бунга амал қилган одам ҳеч қачон аттанг қилиб қолмайди.

Ғайрат СОБИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Ножўя қилмиш яхшилик келтирмайди...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аёлларни эъзозлаш, жамиятда хотин — қизларнинг мавқеини юксалтириш, уларнинг ижтимоий — сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли бугунги кунда опа-сингилларимиз тадбиркорлик, тиббиёт, таълим тизими, умуман олганда, барча соҳаларда самарали фаолият юритиб, юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар. Афсуски, ҳаётда бундай кенг қамровли имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига уларни суиистеъмол қиладиган, ўз манфаати йўлида ноқонуний ишларга қўл урадиган аёллар ҳам оз бўлса-да, учраб туради: Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича судлари томонидан кўриб чиқилган баъзи жиноят ишлари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Эндиликда одам савдоси нечоғлик мудҳиш жиноят эканини барчамиз яхши биламиз. Хоразмлик Н.Раҳимова, Р.Маткаримова, М.Саидназарова, О.Усмонова, бошқа бир гуруҳни ташкил этган Б.Аннақулиева, М.Отаева, П.Султонова, Ж.Рўзиматова, Ш.Мадаминова кўра - била туриб, ана шундай қабиҳ жиноятнинг бир шакли — чақалоқларни сотиш жиноятига қўл уришган. Чунончи, Қўшкўпир тумани Тиббиёт бирлашмаси қошидаги шифохонада кичик тиббий ходим вазифасида ишлаган Б.Аннақулиева 7 нафар, Хива Тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-акушерлик мажмуаси собиқ врачи М.Отаева, Қўшкўпир тумани Тиббиёт бирлашмаси 1-туғуруқ мажмуаси акушер-гинекологи (собиқ) Ш.Мадаминоваларнинг ҳар бири 1 нафардан, мазкур туман шифохонаси собиқ акушер-гинекологлари П.Султонова, Ж.Рўзиматованинг ҳар бири 2 нафардан чақалоқларнинг туғилганлигини ғараз ниятларни кўзлаб ошкор этмаган. Шу тариқа қабиҳ ниятни кўзлаб, жиноий гуруҳга бирлашган бу кимсалар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги қарори билан тасдиқланган "Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида"ги Низом талаблари қўпол равишда бузилган.

Бу ҳам етмагандек, жиноий гуруҳ аъзолари тажрибасиз, ёш оналар ва уларнинг яқинларини чув туширишдан ҳам зарача тап тортмаган. Янгиариқлик И.Олланазарова фарзанди никоҳсиз туғилгани боис бегуноҳ норасидани ўз "ҳалоскори", "ҳожатбарор аёл" — А.Худойберганованинг уйида атиги бир кунга қолдириб кетади. Адашган аёлнинг фарзанди А.Худойберганова томонидан 1600 АҚШ доллари эвазига ўша куннинг эртасигаёқ урганчлик Қодировлар оиласига сотиб юборилади. Бундан хабар топган И.Олланазарова ва унинг яқинлари болани қайтаришни сўраб, А.Худойберганова ва унинг жиноий шериги Х.Эшматовга ялиниб-ёлворишади. Юраги тош қотган бу кимсалар бола эвазига олинган пулдан қуруқ қолмаслик илинжида ҳар мақомга йўрғалаб, турли баҳоналарни рўкач қилишади. Улар фарзандингиз уйингизга қайтади, дея қоп-қоп ваъда беришдан нарига ўтмагач, Ирода тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этади. Судда И.Олланазарованинг истаги инобатга олиниб, чақалоқ ўз онасига қайтарилди. Жиноий қилмишга қўл урган кимсалар эса, қонуний жазога тортилди.

Ҳазорасп тумани Марказий туғуруқхонаси акушер-гинекологи (ҳозирда собиқ) Н.Раҳимова ҳам ҳаётда янглиш кўчаларга кириб қолганларни аврашда устаси фаранг эди. Ушбу муассаса раҳбари С.Қутлимуродов бу ишда унинг ҳамтовоғи ҳисобланарди. Жиноий гуруҳ аъзолари — Р.Маткаримова, М.Саидназарова, О.Усмоновалар ҳам бола олишни хоҳловчиларни излаш, топиш ва чақалоқларни пуллашда уларга яқиндан ёрдам кўрсатди.

Халқимиз кўза кунда эмас, кунида синади, деб бежизга айтмаган. Қинғирликни касб қилиб олган ғараз ниятли кимсаларнинг қилмиши охирқибат фош бўлди. Уларнинг ҳар бири қилмишига яраша жазога тортилди. Жиноий гуруҳнинг қилмишларига шу тариқа қонуний нуқта қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, касбга садоқат, ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди. Ҳаёт синовларидан ўтган бундай меъёрларга риоя этган албатта, муродига етади, бундан кўз юмганлар юқоридагидай пушаймонлик гирдобида қолади.

Фарҳод ШУКУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9083.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰